



XASR




TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXiasr@yahoo.com, web sayt: www.2iasr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 16 август, пайшанба, 33-(457)-сон



Истиқлол туфайли мулкдор бўлганлар

3 БУЊЁДКОРЛИК



Фаоллик ҳам, ташаббус ҳам қуйидан бошланиши керак

5 ИСЛОХОТ



«Энг улуг, энг азий» кўрик-танлови кўرғазмаси

8 КўРГАЗМА

Қуйи бўғинларда



БПТЛАР ФАОЛИЯТИ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМОҚДА

Сурхондарёлик O'zLiDeP аъзолари «Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга» шиорига қатъий амал қилиш шарт деган қарорга келдилар

Термиз шаҳрида ташкил этилган халқ депутатлари Сурхондарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари самарадорлигини янада оширишга бағишланган ўқув-семинар иштирокчилари вилоятда бошланғич партия ташкилотлари фаолияти талаб даражасида эмаслигини таъкидладилар.

5 >>>

Муносабат

ТАДБИРКОРЛИК — ПРОКУРАТУРА ХИМОЯСИДА

Андижон вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 12 мингдан ортиқ тадбиркор, 3500 нафардан зиёд фермерлар иштирокида 223 та учрашув ўтказилди

Маълумки, ҳар қандай жамиятда тадбиркорлик фаолиятининг оммалашши унинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганига боғлиқдир. Ана шундан келиб чиқиб, Андижон вилоят прокуратураси органлари ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилинган қонун, фармон ва қарорларда белгиланган меъёрларнинг мутасадди идоралар томонидан бажарилишини қатъий назорат қилмоқдалар.

Бунда асосий эътибор «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонун ижросига қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳар қандай мансабдор шахслар, бошқарув органлари, назорат-тектирив идораларининг масъулиятини ошириш, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг аниқ бажарилишини таъминламоқда.

4 >>>

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 август куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи даврасида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Америка давлат ташкилотлари ва хусусий компаниялари вакилларида иборат нуфузли делегация раҳбари АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-АҚШ мулоқоти изчил ривожланиб, мазмунан бойиб бораётганини, ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришга томонларнинг интилишлари муштарак эканини алоҳида таъкидладилар.

Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг муҳим соҳаларидаги ҳамкорликнинг бутунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Хусусан, ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам мулоқотлари, парламентлараро муносабатлар, давлатлараро даражадаги ҳар томонлама ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат фуқаролик жамияти вакиллари ўртасидаги алоқалар

ҳақида сўз борди. Томонлар Афғонистон ва Марказий Осиёдаги вазиятнинг ривожланиши, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, шунингдек, мамлакатларимиз манфаатларига дахлдор бошқа муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Американинг «General Motors», «Boeing», «Lockheed Martin» ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари иштирокида ушбу соҳада ҳамкорлик бўйича яхши тажриба тўплангани таъкидланди. Ўзбекистонда америкалик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 241 корхона рўйхатга олинган, мамлакатимизга киритилган тўғридан-тўғри АҚШ сармојиси ҳажми эса 2

миллиард доллардан ошди.

Роберт Блейк Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти мамлакатимизнинг минтақада хавфсизлик ва изчил ривожланишни таъминлашдаги, Афғонистонни тинч йўл билан тиклашдаги ролини юксак баҳолашгани, шунингдек, АҚШ Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янги амалий мазмун билан бойитишдан манфаатдор эканини таъкидладилар.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари биринчи марта ҳар икки томондан вазирлик ва идоралар, етакчи иқтисодий тузилмалардан иборат кенг таркибдаги делегациялар иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи давраси доирасидаги музокараларга муваффақият тилди.

ЎЗА

Музаффар олимпиадачилар тантанали кутиб олинди

Мамлакатимизда истиқлол байрами шуқуҳи кезиб юрган шу қутлуғ кунларда XXX ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз халқимизнинг энг улуг, энг азий байрами — Ватанимиз Давлат мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб тўхфа ҳозирлади. 15 август куни Тошкент аэропортида ушбу нуфузли мусобақа ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчиларини кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди



Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, спортчилар, олимпиадачиларнинг ота-оналари ва яқинлари, журналистлар жам бўлди.

...Ниҳоят, орзиқиб кутилган лаҳзалар етиб келди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Лондондан кўтарилган авиалайнери Тошкентга қўнгани эълон қилинди. Карнай-сурнай садолари янгради. Давлатимиз байрогини кўтарган олимпиадачиларимиз она Ватан заминига қалам қўяди. Лобар қизлар уларга гуллар тақдим этади.

Олимпиадачиларни тантанали кутиб олиш маросимини Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

3 >>>



Ж.НОҲРАДИЙЕВ (ЎЗА) олов-сортат

Қашқадарё — улкан имкониятлар воҳаси

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Қашқадарёда 200 дан ортиқ янги объектлар ишга туширилади

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли Қашқадарёда ҳам том маънода бунёдкорлик ишлари изчил олиб борилмоқда. Шаҳару қишлоқларда қал ростлаётган замонавий корхоналар, касб-хунар коллежлари, мактаб ва тиббиёт муассасалари, спорт комплекслари, айниқса, ёш авлоднинг баркамоллиги йўлидаги гамҳўрлик-

нинг ёрқин намунасига айланмоқда. — Биринчи ярим йилликнинг кенг қўламли ислохотлар туфайли Қашқадарёда ҳам том маънода бунёдкорлик ишлари изчил олиб борилмоқда. Шаҳару қишлоқларда қал ростлаётган замонавий корхоналар, касб-хунар коллежлари, мактаб ва тиббиёт муассасалари, спорт комплекслари, айниқса, ёш авлоднинг баркамоллиги йўлидаги гамҳўрлик-

ётган маиший хизмат турлари тобора кенгайиб бораётир. Утган йили 805 нафар ёш оилага намунавий лойиҳа асосида қурилган, барча қўлайликларга эга янги уйлар тўхфа қилинган бўлса, жорий йилда 473 минг кв.метр уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Бу йил ҳам 870 та замонавий уй-жой қурилиши жадал олиб бориляпти.

3 >>>

Депутатлик гуруҳларида

Ғалвир сувдан кўтарилганда

дастлабки хулосалар айрим маҳаллий кенгаш депутатларининг эътиборсизлиги умумий фаолиятга соя солиб, сайловчилар ишончига путур етказаетганини кўрсатмоқда

2012 йилнинг биринчи ярмида O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан 46 та назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилди. Бу 2011 йилнинг тегишли даврига нисбатан 39 тага кўпдир. Шунингдек, депутатлар жорий йилнинг олти ойида маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир 122 та ҳисоботини эшитдилар.

O'zLiDeP фаолларининг таъкидлашича, депутатлик гуруҳларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, депутатлик назоратининг барча шаклларидан самарали фойдаланиш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессиялари кун тартибига масалалар киритиш ишларини янада яхшилаш учун Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ўқув-семинарларини ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди. Май-июнь ойларида ана шундай тадбирларнинг биринчи босқичи якунланди. Фарғона, Бухоро, Қарши, Урганч, Самарқанд ва Тошкент шаҳрида ўтган семинарларда вилоят, ту-

ман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва масъул ходимларидан иборат 624 нафар партия аъзоси иштирок этди.

Тадбирларда муҳим масалалар юзасидан турли соҳа ходимлари ва экспертлар маърузасини тинглаш баробарида депутатлик гуруҳлари ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини кучайтириш, жойларда эшитилган ўтказиш, депутатлик сўровларининг самарадорлигини оширишга доир амалий машғулотлар ҳам олиб борилди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида депутатлар фаолиятида ижобий натижаларга эришила бошлангани долзарб аҳамиятга эга.

Ўтказилган тадбирларда асосий эътибор ижро ҳокимияти раҳбарларининг жойларда қонунлар ижросини қай даражада таъминлаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, давлат тузилмаларининг иқтисодий соҳасига асоссиз аралашувини камайтириш, Инқирозга қарши чоралар дастурида қўзда тутилган тадбирларнинг қатъий ижросига қаратилди.

2 >>>

4

ШУ СОҢДА:

ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ-НАЗОРАТ ГУРУҲИ РАҲБАРИ ОЙБЕК БОҚИЕВ ҲАМ, ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ МУТАХАССИС ДИЛБАР ТОШЕВА ҲАМ МАҚОЛА МУАЛЛИФИГА ҲЕЧ ҚАНДАЙ МАЪЛУМОТ БЕРМАГАНЛИКЛАРИНИ, ЮҚОРИДАГИ ГАПЛАР ФИРТ ЁЛҒОН ЭКАНИНИ ТАЪКИДЛАШДИ.

3 >>>

Фалвир сувдан кўтарилганда



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Жорий йилнинг биринчи ярмида маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир ҳисоботларнинг 25 таси қишлоқ ҳўжалиги масалалари, 87 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, 24 таси касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ва уларни бизнесга жалб этиш масалаларига бағишланди. Бундан ташқари, турли корхона ва ташкилотлар раҳбарларига 142 та депутатлик сўрови билан мурожаат қилиниб, асослантирилган тушунтириш ва маълумотлар олинди. 93 та сўров натижалари депутатлик гуруҳлари йнгилишида қайта қўрилиб, улар бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишди. Энг асосийси эса депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий кенгашлар ва уларнинг доимий комиссияларига 158 та таклиф киритилиб, уларнинг 32 таси сессияларда муҳокама этилди.

Шу ўринда депутатлик гуруҳлари томонидан электротармоқнинг муаммосини кўтармапти» мазмундаги бундай чиқишлардан қандай мақсад кўзда тутилаётганини тушуниш мумкин. Бундай мақола-ларда партия электротарфини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганиш, бу жараёнда журналистлардан кўра кўпроқ партия фаоллари ва депутатларни жалб этиш лозимлигини кўрсатапти. Мана, бир мисол. 2012 йилнинг олти ойида ХДП нашрида ўнлаб ана шундай мақолалар эълон қилинди. Уларда бир партиядан сайланган депутат фаолияти учун бошқа партия аъзосини ёмон отлик қилиш, бир депутат ташаббуси билан амалга оширилган ишни бошқа депутат ҳисобига ёзиш ҳолатлари уч-

рамоқдаки, бу сайловчиларни очик-ойдин чалғитишга хизмат қилаётти, холос. Қизиғи, ХДП нашри танқидига учраган депутатлар ўзларини гўё бундай ҳолатлардан беҳабардек, бу жараёнларга умуман алоқаси йўқдек тугмоқдалар. Ваҳоланки, бунда гап биргина депутат фаолияти эмас, балки унга ваколат берган партия, сайловда унга овоз берган сайловчи ҳақида бораётганини депутатларимиз англаб етмас эканлар, айрим сиёсий партиялар нашрларида нотўғри маълумотлар тарқатиш давом этаверади. Аммо шунингча депутатларнинг томошабинлиги ҳам, ёлгон маълумотлар тарқатишдаги ХДПнинг фаолияти ҳам «изчил» давом этапти.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Ўз номи, обрў-эътиборини ҳимоя қила олмаган депутат қандай қилиб маҳаллий кенгаш сессияларида партия электротарфини устидан қатъий депутатлик назоратини ўрнатади? Балки шунинг учун ҳам айрим вилоят кенгашларида депутатлик гуруҳлари томонидан депутатлик назорати юзасидан бирорта ҳам амалий тадбирлар ўтказилмагандир? Андижон, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида депутатлик гуруҳлари томонидан ўтказилаётган эшитувлар, юборилган депутатлик сўровлари эса кўпроқ умумий, яъни таъминлов ҳолатига эга бўлиб, қўрилатган масала бўйича депутатлик гуруҳининг позици-

яси аниқ белгилаб олинмаган. Ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган бирон-бир ҳужжат қабул қилинмаган.

Шу ўринда аксарият маҳаллий кенгаш депутатларининг ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросига ўз муносабатини билдириш, партия нашрида ана шундай долзарб масалаларда чиқишлар уюштиришга лоқайдлиги ҳам жойларда партиянинг гоё ва мақсадларини тарғиб этиш ишига тўсиқ яратмоқда. Худди шундай ҳолат Сирдарё, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида кўзга ташланмоқдаки, бундан, энг аввало, О'зЛиДеР вилоят партия ташкилоти мутасаддилари жиддий хулосалар чиқарсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Гарчи О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, 2012 йилда депутатлик гуруҳларининг таъсирчан депутатлик назоратини ташкил этиш, матбуот орқали воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш юзасидан аниқ мавзулар тавсия этган бўлса-да, Жиззах ва Самарқанд вилоят кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари асосан ижтимоий-маиший муаммолар билан чекланиб қолмоқдалар. Айрим туман кенгашларидаги депутатларимиз эса юқоридагидек ҳолатларнинг томошабини бўлишдан нарига ўтмаяптилар. Жойларда ислохотларнинг ижтимоий самарасини оширишга ҳалақит бераётган жиддий камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очик, ошқора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, ўз хизмат жойида зиммасига юклатилган мажбуриятларни удалай олмаётган давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимлари мутасаддилари фаолиятига танқидий ёндашишга ҳам аксарият депутатларда шижоат этишмайпти.

Тома-тома қўл бўлур, деганларидек юқоридагидек муносабат охири-оқибат депутатлик гуруҳларининг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгила-нишлар, либерал ислохотларни тарғиб этиш борасидаги фаолиятига кўзга ташланапти. Бундай ҳолатлардан эса кўпроқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари кенгашларидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳлари тўғри хулосалар чиқаришларига умид қилиб қоламиз.

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ИМКОНияТЛАР

— Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида банк тизими олдига ҳам аниқ вазифалар белгилаб берилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Жумладан, фармонда тадбиркорлик субъектларига кредит ресурсларидан фойдаланишга кенг имконият яратиш, кредитлашда бюрократик сансалорлик ва коррупцияни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан, интернет тармоғига кенг миқёсда ўтишни таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган аниқ меъёр ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги кайд этилган.

Шунга кўра, 2013 йил 1 январдан бошлаб банк ҳисоб-варақаларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш, шу жумладан, «Интернет-банкнинг» тизими орқали солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш жорий этилади. Тўловларни электрон шаклда амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб-варақаларига хизмат кўрсатганлик учун ундириладиган тўлов миқдори эса камида 200 фоизга камайтирилади.

Бундан ташқари, фармон асосида устав фондиди бир йил давомида шакллантириш шарти билан, ҳўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтишига қадар Устав фондиди қисман тўлаш талаби бекор қилинмоқда. Маълумки, илгари тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш учун 30 фоизлик Устав фонди шакллантирилиши лозим эди. Бу ўз фаолиятини эндигина бошлаётган, бунинг устига банкдан олинган кредит ҳисобига тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлаётган юртдошларимизга қийинчилик туғдирарди. Бундан буён ҳўжалик юритувчи ҳар қандай субъект (кредит ташкилотларидан ташқари) ортиқча тўловларсиз ўз фаолиятини бошлаши ва бир йил мобайнида Устав фондиди шакллантириши мумкин.

Фармонда акс эттирилган қўлайликлардан яна бири — банкларда ҳисоб-рақами очиб ўчун имзо намуналарини нотариал тасдиқлаш, шунингдек, кичик бизнес субъектлари — микрофирмалар томонидан имзолар намунаси карточкасида иккинчи имзо (бухгалтер имзоси)нинг мажбурий мавжудлиги талаби бекор қилингандир.

Буларнинг барчаси амалда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-банк муассасаларига бўлган ишончини мустаҳкамлаши баробарида уларнинг янада эркин фаолият юритишига сўмак беради. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнеснинг улушини орттиришга хизмат қилади.



Фажуржон
АБДУРАХМОНОВ,
Марказий банк Андижон
вилоят бошқармаси
бошлиғи:

Қарор ижроси Таъминланади

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойлар қурилиши соҳасидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш: амалиёт, муаммо ва ечимлар» мавзусидаги семинарида қишлоқ ҳудудларида 2009-2012 йилларда 15 мингдан зиёд оила замонавий уйларга кўчиб ўтгани таъкидланди



Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик тижорат банки, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниялари ташкил этилиб, улар зиммасига қишлоқларда замонавий муҳандислик-коммуникация инфратузилма объектларини барпо этиш вазифаси юклатилди.

—2009 йилда 42 та қишлоқ массивида 847 та, 2010 йилда 225 та қишлоқ массивларида 6800 та ва 2011 йилда 357 та қишлоқ массивларида 7400 та хусусий уй-жойлар қуриб битказилгани, 15 мингдан зиёд оила эса ҳар томонлама қўлай ва замонавий уй-жойларга эга бўлгани ва ушбу мақсад учун 576 млрд. сўмдан ортиқ инвестициялар йўналтирилгани қишлоқ аҳолиси фаровонлигини сезиларли даражада оширди, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоилов. — Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 11 январдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш лойиҳасини қўлланганлиги, маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишга тамо-

мила янги босқични бошлаб берди. Айнан ана шу қарор асосида ижтисолаштирилган лойиҳа-қидирув институти, «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик тижорат банки, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниялари ташкил этилиб, улар зиммасига қишлоқларда замонавий муҳандислик-коммуникация инфратузилма объектларини барпо этиш вазифаси юклатилди.

—2009 йилда 42 та қишлоқ массивида 847 та, 2010 йилда 225 та қишлоқ массивларида 6800 та ва 2011 йилда 357 та қишлоқ массивларида 7400 та хусусий уй-жойлар қуриб битказилгани, 15 мингдан зиёд оила эса ҳар томонлама қўлай ва замонавий уй-жойларга эга бўлгани ва ушбу мақсад учун 576 млрд. сўмдан ортиқ инвестициялар йўналтирилгани қишлоқ аҳолиси фаровонлигини сезиларли даражада оширди, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоилов. — Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 11 январдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш лойиҳасини қўлланганлиги, маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишга тамо-

бирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, жорий йилда яна 272 та қишлоқ массивларида 8510 та замонавий уй-жойлар қуриломоқда.

Семинарда, шунингдек, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бирга мутасадди идоралар жиддий эътибор қаратиши лозим бўлган масалалар ҳам атраф-лича муҳокама қилинди. Жумладан, айрим ҳудудларда уй-жой массивлари учун ер танлаш ва бу борада аҳоли эҳтиёжини тўлиқ инobatта олишда камчиликларга ҳам йўл қўйилмапти.

О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг фикрича, танлов-тендерлар ўтказиш мuddатларига қатъий риоя этиш ва мазкур механизмни янада такомиллаштириш зарур. Тегишли ташкилотлар томонидан қурилиш материалларини имтиёзли нархларда етказиб бериш жараёни эса жамoатчилик томонидан назорат қилиниши лозим. Бундан ташқари, айрим туманларда бажарилган ишлар сифати, танловда голиб чиққан пуdратчиларга банк кафолатини бериш бўйича муаммолар масалалар кўзга ташланмоқда-ки, бундан ҳам мутасадди ташкилотлар тегишли хулосалар чиқариши лозим. Семинар иштирокчилари қайд этганидек, қурилатган уйлар нархидаги ҳар-қиллик, ипотека кредитларининг мақсимал миқдорини қайта қўриб чиқиш масалалари ҳам ўз ечимини кутиб турибди.

Бу эса қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини янада ривожлантириш учун мутасадди идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва пуdратчи ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, улар зиммасидаги масъулиятни оширишга қаратилган тегишли чора-тадбирларни қўлайтириш лозимлигини кўрсатамоқда.

Баҳс-мунозаралар руҳида ўтган семинар якунида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, олиб борилаётган ишларнинг сифат даражасини кўтариш ҳамда соҳага оид меъёрий ҳўжатларни такомиллаштириш юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

ИМТИЁЗ МАСЪУЛИЯТНИ ҲАМ ОШИРАДИ

Насриддин ДАМИНОВ,
Жинойат ишлари бўйича Навоий вилоят судининг раиси

2012 йилнинг 1 августидан кўнча кирган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиши тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, одил судловни таъминлаш ҳамда судьялар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қолверса, улар ишида сифат ва самарадорликни таъминлашга хизмат қилади, албатта.

Айниқса, судьяларимизнинг Бухородан Қизилтепа, Хатирчи ва Нуратога 60-70 километр, Зарафшон шаҳри, Томди ва Учқудуқ туманларига 200-300 километр йўл босиб ишларларини инобатга олсак, фармон бўйича имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ мuddатли ипотека кредитлари бериш, шунингдек, турар-жойлар ижараси учун ҳар ойда компенсация тўлашининг назарда тутилиши судьялар учун жуда катта кўмак бўлади. Фармондаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда: «... судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқласин», «судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлиналган ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин», «... судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги Юристар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташлари назарда тутилсин» деган моддалар ўйламанки, судларда қўрилатган ишларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга, судларимизнинг янада эркин фаолият юритишларига хизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Президентимиз фармони кўнун ва кўнунчилик устуворлигини таъминлаш, энг улў қадрият — инсон ҳуқуқ ва мафaатларини ишончли ҳимоя қилиш вазифаси ишониб топширилган ҳар бир ҳамкасбимизга қўлай иш ва турмуш шароити яратиш баробарида улар зиммасига улкан масъулият ҳам юклашини унутмаслигимиз лозим.

Қашқадарё — улкан ИМКОНиятлар воҳаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

Вилоятда хизмат кўра-тиш соҳасини ривожланти-риш мақсадида 617 та сав-до ва умумий овқатланиш ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этил-ди. Қишлоқ жойларида хиз-мат соҳасини ривожланти-риш учун молиявий муас-сасаларнинг 8,5 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Бу жараёнда тadbиркорлар фаоллик кўрсатаётганларини алоҳи-да таъкидлаш лозим. Хусу-сан, яқинда Қарши шаҳри худудидан ўтган «Ғузор-Бу-хоро-Нукус-Бейнау» авто-мобил йўли ёқасида «На-зира» хусусий корхонаси томонидан «Авария чаки-рув ва тиббий ёрдам хиз-матлари билан техник хиз-мат кўрсатиш пункти» бунёд этилди.

Президентимиз Исло-м Каримовнинг халқ депутат-лари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан та-шқари сессиясидаги маъру-засида белгилаб берилган устувор вазифалар асосида эса вилоятдаги 38 та йирик sanoat, 2912 та кичик биз-нес корхоналари томони-дан олти ойда 2588,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чи-қарилди. Урмон, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз-цел-люлоза, машинасозлик ҳамда металлни қайта иш-лаш соҳаларида ишлаб чи-қариш ҳажми икки баро-барга оширилди. Кичик биз-нес ва хусусий тadbиркор-ликнинг янги худудий маҳ-сулотдаги улушини 42,2 фо-изга етказиш қўлда тутил-гани ҳолда, амалда бу кўрсаткич 43,8 фоизни таш-кил этди. Энг асосийси, ки-чик бизнес субъектлари то-монидан 198,8 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,3 фоиз ўсишга эришилди.

Шу ўринда 2012 йил-нинг январь-июль ойлари-да вилоятда янги худудий маҳсулотнинг ўсиш суръат-лари 103,2 фоизни (3 трлн. 123,5 млрд. сўмни), ташқи савдо айланмаси 358,7 млн. АҚШ долларини ташкил этганини таъкидлаш мум-кин. Энг асосийси эса янги худудий маҳсулот тарки-бида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 42,8, кичик бизнес корхона-ларининг улуши эса 43,8 фоизни ташкил этди. 2011 йилнинг олти ойида 105 та халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхона ишлаш туширилди, уларнинг 28 тасида модернизация қилиш, техник ва техноло-гия жиҳатдан қайта жиҳоз-лаш ишлари амалга оши-рилди.

Президентимиз ташаб-буси билан Тепакўтон ва Беҳбулоқ қишлоқларида Деҳқонбод қилиб ўй-лар заводининг ишла туши-рилиши натижасида 1,5 мингта яқин киши иш билан таъминланди, бу ерда йилга 200 минг тонна маҳ-сулот ишлаб чиқариш им-конияти яратилди. Завода-жорий йилнинг ўтган олти ойидagina 110,9 минг тон-на калий ўғити ишлаб чи-қарилиб, унинг 97,1 минг тоннаси экспорт қилинди.

— Қашқадарёда анчайин мустақкам оёққа туриб олган фермер хўжаликлари ва улар фаолиятини ривожлантириш борасида қандай ишлар амал-га оқинилмоқда?

— Бу соҳа вилоят ҳокимлигининг асосий эътиборида эканини алоҳи-да таъкидлаш жоиз. Ҳозир худудимизда 7139 та фермер хўжалиги бўлиб, шундан пахтачилик ва галлачилик-



да 5287, чорвачиликда 421, сабзавотчиликда 307, боғ-узумчиликда 1082 ва 42 таси бошқа соҳаларда фао-лият кўрсатиб келмоқда. Пахта ва галла маҳсулотла-ри етиштириш юз фоиз улар ҳиссасига тўғри кела-ётир. Ўтган даврда вилоят-да 890,2 млрд. сўмлик янги қишлоқ хўжалик маҳсулот-лари ишлаб чиқарилиди. Шундан деҳқончилик маҳ-сулотлари 457,9 млрд., чор-вачилик маҳсулотлари иш-лаб чиқариш ҳажми 432,3 млрд. сўмни ташкил этди. Истиқлол йилларида Қаш-қадарё вилоятида ҳам фер-мер хўжаликларини ривож-лантириш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайти-риш, замонавий минтех-нология ва ихчам ускуна-лар ёрдамида мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари-ни қайта ишлаш жадал йўлга қўйилгани боис аҳоли бандлиги ва даромадлари кескин ошди. Республика миқёсида иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича етакчи ўринларни эгаллаб келаётган вилоятимизда галлачилик ҳам ўзига хос тажриба мактаби яратилди, дейиш мумкин. Бу йил рес-публикада ишлаб чиқарил-ган уруғлик галланнинг 44 минг 400 тоннаси воҳида етиштирилди. Агар вилоят-да 2002 йилда галла ҳосил-дорлиги гектарига 42,8 цен-терни ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 50 центнердан ошиб кетди. Серҳосил ва тезпишар на-валарни вилоят далаларида тез-тез синаб кўрилаётган-лиги ҳамда миришкорлари-мизнинг фидокорона меҳ-натлари тўғрисида бу йил 400 минг тоннага яқин галла ҳосили етиштирилди. Вило-ятдаги 421 та чорвачилик-ка ихтисослашган фермер хўжалигида 43068 бош йи-рик шохли қорамол парва-риш қилинмоқда. Эндилик-да йирик sanoat корхона-лари қошида ҳам чорвачи-лик ички ривожлантири-ляпти. Хусусан, «Шуртан-газкимё» мажмуаси томо-нидан 850 бош, «Қашқадар-ретеком» томонидан эса 2500 бош ангор эчкилари парваришланаёпти.

Шу ўринда бодорчи-ликка ихтисослашган 1082 та фермер хўжалигида янги боғлар ташкил этиш ва да-рахтларни яшартиришга асосий эътибор қаратилаёт-ганини таъкидлаш мумкин. Ҳар йили узумзорлардан ўттиз минг тоннага яқин ҳосил олинаёпти. Сабзавот, полиз, картошка, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга эътибор юқори. Иссиқхоналар, ба-ликчилик, паррандачилик ҳамда қуёнчилик каби соҳа-лар тез ривожланипти.



Файзулла ЛУТФИЕВ,
Миршкор туманидаги «Камалак» фермер хўжалиги раиси, O'zLiDeP аъзоси:

— Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан мустақкамлаб қўйилгани иқтисодиётимизни юксалтириш, халқ фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлаёпти. Шахсан ўзим ҳам оддий механизатор эдим. Истиқлол тўғрисида мулқдор бўлдим. Ҳаёт тажрибамдан шунга амин бўлдимки, янгиликлар замонавий техника билан галла ўрим-йиғими, ерларни шудроллаш ва экинларга ишлов беришда қўшни фермерларга ҳам яқиндан ёрдам кўрсатаёلمиз. Хўжалигимизда 223 нафар ишчи доимий ва мавсумий иш билан банд. Уларнинг ўртача иш ҳақи 350-400 минг сўмга тўғри келмоқда. Фермер хўжалигимиз ҳар йили пахта, галла етиштириш бўйича давлат шартномаларини ортқи билан бажариб келмоқда. Олинган соф фойдани замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтираямиз.



Нодира БОЙНАРОВА,
«Беҳбулоқ иссиқ нон» корхонаси раҳбари, халқ депутатлари Деҳқонбод туман кенгаши депутати:

— Истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар деҳқондорликлар қалбида ҳам эртанги кунга ишонч, куч-қувват ва ташаббускорлик ато этгани боис туманимизда тadbиркорлик йил сайини ривожланиб, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги ортиб бормоқда. Тadbиркорлик фаолиятини 2002 йилда қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлаганман. Кейинчалик макарон, миллий нон, қолипчи нон тайёрлашни йўлга қўйдик. Корхонамизда бир ойда 14 тонна қолипчи нон, 4 тонна оби нон, макарон ва қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Дастлаб 6 миллион, кейин 45 млн. сўм кредит олиб, хориждан замонавий хамир қорадиган ва кесадиған ускуналар, печь келтириб ўрнатдик. Асосан Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи ишчи-хизматчилари ва яқин атрофдаги қишлоқлар аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаб келаямиз. Истиқлолимизнинг 21 йиллиги арафасида вилоятда амалга оширилаётган ишларни қўриб, ана шу жараёнда оз бўлса-да ҳиссам борлигидан қувониб яшайман.

Ўтган йили ҳар бир туман-даги 2 талдан фермер хўжа-лигида 200 талдан товуқ пар-варишлаш йўлга қўйилган-лиги паранда гўшти, туҳум ишлаб чиқаришни кескин оширди. Аҳолини парҳез та-омлар билан таъминлаш эса яқинлаштирилди, қўшимча иш ўринлари яратилиб, фер-мер хўжаликларининг иқтисодий самардорлиги ошди. Ривожланиб давлат-ларнинг фермер хўжалик-лари уюшмалари, уларга хизмат кўрсатувчи инфра-тузилмалар билан мунтазам алоқа ўрнатили, қишлоқ хўжалигида эришган таж-рибаларини ўрганиш мақ-садида фермерлар тажриба алмашиш учун хорижга юборилмоқдалар.

— Кичик бизнес ва ху-сусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш натижасида Қашқадарёда 80 мингга яқин кичик бизнес ва ху-сусий тadbиркорлик субъект-лари фаолият кўрсатаётган экан. Айтилган, «Мустақ-кам оила йили»да бу борда яна қандай натижаларга эришляпти?

— Жорий йил натижа-ларига тўхталар эканмиз, энг аввало, ўтган олти ойда 1600 та янги тadbиркорлик тузилмаси иш бошлагани-ни айтмоқчимиз. Уларга оз эмас, кўп эмас 150,2 млрд. сўмдан ортқи кредитлар аж-ратилиб, шу ҳисобдан 12035 та янги иш ўрни яратилди.

«Шуртангазкимё» мак-муаси томонидан макарон, «Чайка» хусусий корхона-сида гипсокартон, «Ҳамро-ев Холмаҳмад» ва «Нидуфар Абдираимовна» хусусий корхоналари томонидан эса ёғочни қайта ишлаш секла-ри фаолияти йўлга қўйил-ди. «Элиорбону чирой» хусусий корхонаси томони-дан эса гишт ишлаб чиқар-ила бошланди. «Аббос» корхонасида 835,5 млн. сўмлик метан газ ускунаси, «Нон ишлаб чиқариш» масъулияти чекланган жа-миъяти ва «Файз» хусусий корхоналарида ишлаб чиқар-иш ускуналари модерни-зация қилиниб, мавжуд қувватлар оширилди. «Гул-рух Шухратовна» хусусий фирмаси қандалат маҳсу-лотлари ишлаб чиқариш

цехини ишла туширди. Бун-дай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, бугун воҳамизнинг қай бир худудига бўлмаган, қашқадар-реликлар мустақкамлигимиз-нинг 21 йиллигини улкан ютуқлар билан қарши ола-ётганини кўрасиз. Вилоят-нинг шахару қишлоқлари истиқлол шодибенаси арафа-сида ана шу саъй-ҳаракат-ларнинг, фидокорона меҳ-нат ва амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси боис гўзаллашиб бораёпти. Тadbиркор ва ишбилармон-лар томонидан бунёд этила-ётган мустақкамлик иншоот-лари жаннатмакан юртимиз қўрқинга-қўрқ қўшмоқда. Бу-гунги тинч, дорилмон кун-ларимизга шукроналик ҳис-сини ошириш, ҳамшаҳарла-римиз қалбига хуш кайфи-ят улаштиш мақсадида эса маҳалла фуқаролар йиғини, ташкилот, корхона ва ўқув муассасаларида «Тақдирим-сан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида давра суҳбатлари, маъна-вий-маърифий тadbирлар ташкил этиляпти.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Анвар САМАДОВ, Байрам АЙМУРОВОВ,
ЎзА мухбирлари

Бундай ҳаяжонли дамларда халқимиз-га улкан қувонч, фахру ифтихор бахш этган ушбу воқеанинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ва асл омиллари кўнгилдан ўтиши табиий. Зеро, бу каби улкан ютуқ-ларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонун-чилик палатасининг Спикери Д.Тошму-ҳамедова, Ўзбекистон халқ шоири Маҳ-муд Тоир, Ўзбекистон ёшларининг «Ка-молот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар спортчиларимизни юксак зафарлари билан қутлар экан, бу муваффақиятлар Президентимиз раҳнамолигида спорт ривожига қаратилаётган юксак эътибор са-мараси эканини алоҳида таъкидлади.

— Эркин ва обод Ватанимизнинг спортчиси сифатида Лондон Олимпиа-дасида «Ўзбекистон» номи, давлатимиз мадҳияси баралла янграшига, мустақил мамлакатимиз байроғи Олимп чўққиси-да ҳилпирашига ўз ҳиссамни қўшганим-дан бахтиёрман, — деди эркин кураш бўйича уч карра Олимпиада чемпиони Артур Таймазов. — Биз, спортчилар эриш-ган муваффақиятлар — бутун халқимиз-нинг ютуғи. Мамлакатимизда инсонни эъзозлаш, меҳнатини қадрлаш ва муно-сиб рағбатлантириш доимий эътиборда. Биз, спортчилар камтарона меҳнатимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани учун Президентимиз ва халқимиздан миннатдоримиз.

— Пекин Олимпиадасида совриндор бўлганимда йигирма бир ёшда эдим, — деди Пекин ва Лондон Олимпиадалари бронза медаллари совриндори Ришод Со-биров. — Ўшанда Президентимиз Ислам Каримов бизни қутлар экан, Сизлар қўлга қиритган натижалар бутун халқимизнинг, авваламбор, сизларга жону дили билан омад ва муваффақият тилаб турган ёшларимизнинг галабаси, деб таъкидлаган эди-лар. Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари мени дзюдо бўйича қўллаб нуфузли тур-нирларда ва жаҳон чемпионатларида галаба қозонишга ундаб келмоқда. XXX ёзги Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари ичида биринчи бўлиб бахсларга қиринишди. Бу мен учун катта масъулият эди. Чунки жамоамиз аъзолари-ни руҳлантириш, бизга ишонч билдириб, мусобақаларни катта ҳаяжон билан куза-тиб турган халқимиз ишончини оқлашни шарт эди. Бу вазифани ундай олганим-дан, Лондон Олимпиадасида ҳам шоҳсу-пага кўтарилишимдан хурсандман. Энди-ги мақсадим навбатдаги Олимпиадада олтин медални қўлга қиритишдир.

Ўзбекистон спортчиларининг Лондон Олимпиадасидаги иштироки ва эришган муваффақиятлари Президентимиз Ислам Каримов томонидан маъмур соҳа ривож-ига қаратилаётган улкан эътибор ва ғам-хўрлик самарасидир. Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан ҳар томонлама баркамол, ҳеч қимдан кам бўлмаган авлодини вояга етказиш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши этиб бел-гиланди. Бунинг муҳим омилли сифатида жисмоний тарбия ва спорт умуммиллий ҳаракатга айланди.

Бугун ёшларимиз энг нуфузли халқаро мусобақаларда, олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч қимдан кам эмас-лигини амалда исботламоқда. Спортчи-ларимиз ёзги Олимпиада ўйинларидан ҳеч қачон медалсиз қайтмаган. 1996 йилдан бўён Олимпиадаларда иштирок этаётган олимпиячиларимиз Атланта, Сидней, Афина, Пекин ва Лондондаги ўйинлар-да бешта олтин, бешта кумуш ва ўн бит-та бронза медалга сазовор бўлган.

Жаҳондаги кучли спортчилар ораси-да совринли ўринларни қўлга қиритиш, она Ватан шон-шавкатини дунёга ёйиш спортчилдан машаққатли меҳнат, чидам-бардош, шижоат ва матонат талаб қила-ди. Қолаверса, бунинг учун зарур шарт-шароит, моддий ва маънавий қўмак, эътибор керак.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шахри (Буёк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қаро-рига биноан спортчиларимиз жаҳон стан-дартларига мос янги спорт анжомлари билан таъминланди. Замонавий метёрлар асосида ташкил этилган ўқув-машгулот йиғинларини ўтади, халқаро мусобақа-ларда тажриба ва маҳоратини оширди.

Бундай юксак эътибор ўз самарала-рини берди. 53 нафар олимпиячимиз му-раккаб саралаш босқичларидан муваф-фақиятли ўтиб, Лондон Олимпиадасида

Музаффар олимпиадачилар тантанали кутиб олинди

спортнинг ўн беш тури — бадий гимна-стика, трampoline, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва канозда эшакка эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юнон-рум кураши, ўқ отиш, қиличбозлик ҳамда теннис бўйича беллашуларда иштирок этди.

Спортчиларимизнинг Олимпиада ўйин-ларидаги ҳар бир чиқишини нафақат уларнинг ота-оналари, яқинлари, мураб-бийлари, балки Ватан тақдирига дахл-дорлик туйғуси билан яшайдиган ҳар бир юртошимиз жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди.

Лондон Олимпиада ўйинларида дунё-нинг 204 мамлакатидан спортчилар иш-тирок этган бўлса, фақат 54 давлатнинг спортчилари олтин медални қўлга қирит-ди. Улар орасида жонажон Ўзбекистони-миз спортчилари ҳам борлиги барчамиз-га чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

XXX ёзги Олимпиада ўйинларида ду-нёга донги кетган ўзбек спортчилари — дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпи-они ва Осие ўйинлари голиби Ришод Собиров, бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ва эркин кураш бўйича Пекин Олимпиадасида кумуш ме-дали совриндори Сослан Тигиев Ўзе-бекистон спорт делегацияси ҳисобига ба-тадан бронза медал қўшди.

XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг энг муҳим воқеаларидан бири эркин кураш мусобақаларида руй берди. Дунёнинг энг забардаст эркин курашчилари иштирок этган 120 килограмм вазн тоифасидаги бахсларда ўзбек полвоини Артур Тайма-зов кетма-кет учинчи маротаба Олимпиа-да ўйинлари олтин медални қўлга қирит-ти, спорт оламида кам кузатиладиган тарихий натижани қайт эди.

Артур Таймазов галабаси шарафига XXX ёзги Олимпиада ўйинларида Ўзе-беки-стон Республикаси Давлат байроғи кўта-рилиб, Давлат мадҳияси янгради.

А.Таймазов ёзги Олимпиада ўйинлари-нинг эркин кураш беллашуларига уч маротаба олтин медални қўлга қиритган дунёдаги учинчи полвоин сифатида жа-ҳон спорт тарихидан жой олди.

«Икки карра жаҳон чемпиони бўлган Артур Таймазов Олимпиада ўйинларининг олтин медалини учинчи бор қўлга киритди. Унинг ҳисобига Сидней Олимпиа-дасининг кумуш медални ҳам бор. Умумий ҳисобда тўртта олимпиада ва тўртта медал. Бунақаси эркин кураш тарихида бўлмаган» деб ёзди nbcolympics.com сай-ти.

Спортда натижалар нафақат куч ва маҳоратга, балки омадга ҳам боғлиқдир. Велоспортчи Сергей Лагутин, боксчилар Эшод Расулов, Жасур Латипов, Уктам Раҳмонов ва Фазлиддин Гойибназаров, дзюдочи Раҳимилдин Саидов, эркин курашчи Қурбон Қурбонов, енгил атлетика-чи Светлана Радзивила медални қўлга қиритиш учун озгина омад етишмади. Канозда эшакка эшиш бўйича икки кар-ра жаҳон чемпиони Вадим Меньков, оғир атлетикачи Руслан Нуриддинов туртинчи, Иван Ефремов эса бешинчи ўринни эгаллади.

Кейинги пайтларда олимпиадада иш-тирок этадиган спортчиларимиз сафи ошиб бориши баробарида улар қатнаша-диган спорт турлари қаровчи ҳам кен-гайиб бормоқда. Хусусан, бадий гимна-стикада Ульяна Трофимова, хотин-қиз-лар ўртасидаги оғир атлетикада Мария Сисоева, қиличбозлик бўйича Руслан Кудав илк бор иштирок этди. Теннис-чимиз Денис Истомин кетма-кет икки ўрашувда галаба қозониб, дунёнинг биринчи рақамли теннисчиси швейца-риялик Рожер Федерергагина имконият-ни бой берди.

Энг муҳими, спортчиларимиз ўза-рининг шижоати ва матонати, галабага бўлган интилиши билан мухлис мута-хассислар ҳурматини қозонди. Спорт ар-еналарига йиғилган хориждилар ҳам олимпиячиларимиз иштирокидан завқ-ланиб, уларни самимий олқиллашди. «Бра-во, Ўзбекистан!» деган хитоблар Олим-пиада кунлари нафақат спорт майдонла-рида, балки Лондон кўчаларида ҳам жан-ранглаб тургани бунинг далилидир.

Тadbирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатим-изда спортни ривожлантириш ва ом-малаштиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида ҳамюртларимиз жаҳон спорт майдонларида улкан ютуқларга эришаётгани алоҳида таъ-кидланди. Давлатимиз раҳбарининг кунни кеча қабул қилинган «Лондон шахрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олим-пиада ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчиларимиздан би-гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фар-мони спортчиларимизга кўрсатилаёт-ган доимий ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Навбатдаги ёлғон

ЁКИ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИДА ЧОП ЭТИЛГАН «САЙЛОВЧИ НЕГА ЎЗИ ОВОЗ БЕРГАН ДЕПУТАТГА ИШОНМАЙДИ?» САРЛАВХАЛИ МАҚОЛАДА КЕЛТИРИЛГАН ДАЛИЛЛАР ЎЗ ТАСДИҒИНИ ТОПМАГАНИ ХУСУСИДА

Мансур АСЛОНОВ,
XXI ASR

2012 йилнинг 4 августида эълон қилинган мақолада шундай сатрлар билан бошланади: «Тўлқин Холиқов Навоий шаҳар вокзал кўрғони «Хаёт» маҳалласида истиқомат қилади. У О'zLiDeP аъзоси бўлса-да, шу йил 13 июль кунини ЎзХДП Навоий вилоят жамоатчилиги қабулхонасига тоза ичимлик сув таъминоти яхшилаш масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилди. Партиясининг фаоллари ва депутатлар масалани ўрганиб чиққач, шаҳар ҳокимлиги «Сув таъминоти» МЧЖ билан ҳамкорликда олиб борган ишлар натижасида тез орада муаммо ижобий ечим топди.»

О'zLiDeP Навоий шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ирода Пардаеванинг «Шаҳарда Тўлқин Холиқов исм-шарифлик партия аъзоси йўқ» деган жавобидан кейин мақола муаллифига интервью берган фуқаро билан учрашишга қарор қилдик.

— Мен ҳарбий хизматчи-ман. Ҳеч қачон О'zLiDePга аъзо бўлмаганман. Касб-корим боис ҳеч бир партиясига аъзо бўлишга ҳақим йўқлигини «Ўзбекистон овози» газетаси мухбири билиши лозим эди, — дейди «Хаёт» маҳалласи, Оқсой кўча, 4-уйда истиқомат қилувчи Тўлқин Холиқов. — Тўғри, жорий йил 13 июль кунини ЎзХДП жамоатчилиги қабулхонасига сув таъминотидаги узилишлар хусусида ёрдам сўраб мурожаат қилганим рост. Аммо менинг номимдан мақолада баён этилган О'zLiDePдан сайланган депутатларнинг фаолиятсизлиги хусусидаги фикрлар, юмшоқ қилиб айтганда, муаллиф фантазияси махсули, холос.

Мухтарам ўқувчи! Одатда бундай ҳолатларда журналистлар кўлашни яхши кўрадиган «изоҳга ҳолат йўқ» ибораси ишлатилади. Аммо биз бундай ҳолда аксинча изоҳга ҳолат бор, деб ўйлаймиз. Чунки кейинги пайтларда ёлғонни ростга айлантириш, йўқ кишини бор, деб кўрсатиш, айтилмаган фикрларни айтилганга чиқариш «Ўзбекистон овози» учун оддий ҳолга айланган.

Хўш, ХДП фаолиятидаги бундай «изчиллик»дан қандай ҳулоса чиқариш мумкин? Нега ижтимоий-сиёсий нашр ана шу одатини қанда қила олмапти?

Ушбу саволларга кейинроқ жавоб қайтарсак, яна Навоийдаги воқеалар тафсилотида қайтсак.

— Ташкилотимиз шаҳардаги «Гулистон», «Янгиарик», «Истиклол» ва «Хаёт» маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хонадонларни тоза ичимлик сув билан таъминлашга хизмат қилади, — дейди «Сув таъминоти» МЧЖ раиси Маҳкам Куланов. — Айрим фуқароларимиз томонидан тоза ичимлик сув учун қардорлик борлиги сабаб июль ойи бошида узилиш бўлгани рост. МФЙлари фаоллари ва депутатларимиз билан ҳамкорликда қардорлик камайтирилган, сув таъминоти яна изга тушди. Аммо бу муаммони ҳал қилишда ХДП фаоллари ҳам, депутатларнинг бирортаси ҳам мутлақо аралашгани йўқ.

Мақола муаллифи — ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши жамоатчилиги ва ОАВ билан ишлаш бўлими мудири Рустам Хайитов ўзи таниманган, билмаган ва ҳатто телефон орқали ҳам сўхбатлашмаган киши номидан қуйида-

ги фикрларни билдиради: «Тўлқин Холиқовнинг айтишича, шу пайтгача у маҳалласидаги муаммолар билан бу партия (О'zLiDeP)дан сайланган бирор депутат шугулланганини кўрмаган, «О'zLiDePнинг депутати-ман» деб аҳоли билан учрашган, одамларни ташвишга солаётган масалаларни кўтариб чиққан ва уларни бартараф этишга кўмаклашган депутатни учратмаган.»

Аслида эса ана шу ҳудудда амалга оширилган қатор ишларда халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгаши депутати, О'zLiDeP аъзоси Шавкат Холназаров сингари ўнлаб тадбиркорларнинг қамгарона ҳиссаси борлигини эшитдик.

«аҳоли тўғрисида»ги масалалар киритилган. Хўш, ўзи таниманган фуқарони сирдан гапиртира олган Рустам Хайитов нега бу мисолларни кўрмай қолдилар?

Тўғри, 17-сессия кун тартибига киритиш учун «Навоий шаҳар ҳудудидаги автоурақотларда транспорт воситалари сақлашни таъминлаш тўғрисида»ги масала тақдим этилган. Бироқ муаллиф таъкидлаганидек, масала Навоий шаҳар кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи эмас, балки вилоят кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал масалалар ва аҳолига хизмат кўрсатиш доимий комиссияси раиси, О'zLiDeP аъзоси Баҳодир Жўраев ташаббуси

ким билан ва қандай масалада баҳс юритганини билмадигу, аммо бундан буюн юқоридагидек мақолаларга «ХДПнинг навбатдаги ёлғони» дея махсус руж танланса, тўғрироқ бўлармиди, дегимиз келди.

Ана энди мақола бошида тилга олинган саволларга қайтсак. Нега кейинги пайтларда ХДП наширида бошқа партиялар, айниқса, О'zLiDeP депутатлари номини ёмонотлик қилишга бунчалар зўр берилмоқда? Мурожаат этувчи билан учрашмай, улар фикрини асослантirmай, энг қизиғи эса ўз қаҳрамонларининг қимлиги, қаерда ишлашни суриштирмай туриб, улар номидан ёлғон маълумотлар тарқатиш

МУРОЖАТ ЭТУВЧИ БИЛАН УЧРАШМАЙ, УЛАР ФИКРИНИ АСОСЛАНТИРМАЙ, ЭНГ ҚИЗИҒИ ЭСА ЎЗ ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ҚИМЛИГИ, ҚАЕРДА ИШЛАШНИ СУРИШТИРМАЙ ТУРИБ, УЛАР НОМИДАН ЁЛҒОН МАЪЛУМОТЛАР ТАРҚАТИШ НЕГА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ ОДАТИЙ ИШ УСЛУБИГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ?

— Шавкатжон Холназаров сингари ҳамшаҳарларимиз сайё-ҳаракати билан маҳалламиздаги «Оқсой» кўчасининг асосий қисми асфальтлаштирилди. Ҳар гал йирик тадбирлар, байрамлар арафасида маҳалламизда ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Бунга барча тадбиркорлар имкон даражасида ҳисса қўшаптилар, — дейди «Хаёт» маҳалласи оқсоқоли Мирсаид ака Мавлонов. — Шавкатжон тадбиркор сифатида кўшимча иш ўринлари яратиб, асосан ёшлар ва кам таъминланган оила фарзандларини иш билан таъминламоқда...

1-«Гулистон» сайлов округи (мақолада зикр этилганидек, «воқзал кўрғони» эмас, воқзал ҳудудидаги «Хаёт», «Гулистон», «Истиклол» ҳамда «Янгиарик» МФЙлардан халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгаши депутатлигига Навоий шаҳар ҳокими Баҳодир Жўраев сайланган экан.

«Ўзбекистон овози»даги мақолани таҳлил этишда давоми этакимиз: «Навоий шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи томонидан берилган маълумотга кўра, 2012 йилнинг етти ойи ўтиб бўлди ҳамки, халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан сессия кун тартибига бирорта масала киритилмаган». Аммо шаҳар ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ойбек Боқиев ҳам, депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис Дилбар Тошева ҳам мақола муаллифига ҳеч қандай маълумот бермаганлигини, юқоридаги гаплар ёлғон эканини таъкидлашди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳокимликдан олинган маълумотлар мақолада тасвирланган мазаранинг тамоман аксини кўрсатапти. Масалан, жорий йилнинг 27 июлида ўтган 17-сессия муҳокамасига ҳам либерал-демократлар томонидан иккита: «2011-2012 йилларда Навоий шаҳрини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш ҳудудий дастури бажарилишини ўрганиш ва мазкур масаланинг бажарилиши юзасидан иқтисод бўлими бошлиғи А.Жумасевнинг ҳисоботини тинглаш тўғрисида»ги ҳамда «Навоий шаҳар ҳудудида иқтисодиёт тармоқларини, аҳоли, уй-жой фонди ва ижтимоий объектларнинг 2012-2013 йиллар куз-киш мавсумида барқарор ишлашини таъминлашнинг

билан шу йил 14 апрелда турзилган ишчи гуруҳи томонидан киритилган.

Шу ўринда бу масала шаҳар ҳудудида ўтказилган рейдлар натижалари асосида ЎзХДП аъзоси Турсун Самадов раҳбарлигидаги 2 нафар ХДП, 1 нафар «Миллий тикланиш» ДП ҳамда 2 нафар О'zLiDeP аъзоси бўлган депутатлардан иборат доимий комиссия томонидан тайёрланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аммо ушбу масала халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгашининг Регламенти талаблари даражасида ва белгиланган муддатда тайёрланмагани боис кенгаши раиси, шаҳар ҳокими томонидан рад этилганини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Яна бир қизиқ ҳолат. Муаллиф ўз мақоласида халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгаши депутати, ЎзХДП аъзоси Турсун Самадов номидан фикр билдириб, вилоят кенгаши доимий комиссияси томонидан турзилган ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда шаҳар кенгаши доимий комиссияси аъзолари хизматларини ҳам ЎзХДП фаоллари ва депутатлик гуруҳининг иши, дея талқин қилади. Муаллифнинг фикрича, ЎзХДПнинг жамоатчилиги қабулхоналари фаолиятининг О'zLiDeP фаоллари томонидан асосиз танқид қилинаётгани гўёки Турсун Самадовни таажжубга солаётган эмиш.

Биз Т.Саматовнинг ҳам ушбу мақола хусусидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Мен шаҳарнинг воқзал ҳудудида яшайман. У ерда амалга оширилаётган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларидан шахсан бохабарман, — дейди сўхбатдошимиз. — ХДП аъзоси бўлсам ҳам, О'zLiDePдан шаҳар кенгашига сайланган депутат Шавкат Холназаров ҳамда шу ҳудуддан вилоят ва шаҳар кенгашига сайланган депутат Баҳодир Жўраев ташаббуси билан амалга оширилаётган ишларни кўриб, билиб турибмиз. Шунинг учун ҳам тўла ишонч билан айтманки, «Ўзбекистон овози» газетасида айнан «Хаёт» маҳалласида депутатлар ишламаптилар, деган гап уйдирмадан бошқа нарса эмас!

Шу ўринда Р.Хайитов имзоси билан эълон қилинган мақола «Партияларо баҳс» ружки остида эълон қилинганга эътибор қаратмоқчимиз. «Ўзбекистон овози» ёки мақола муаллифи

нега «Ўзбекистон овози»нинг одатий иш услубига айланиб қолди?

Агар бу ҳолат бир-икки марта такрорланганида эди жойлардаги мухбирлар хато қилганларда, дейиш мумкин бўларди. Аммо 2012 йилнинг апрель ойида сурхондорелик журналистлар У.Олтибоев ва Г.Тангировнинг расмий раддиясини эълон қилмай, газета бош муҳаррири С.Остоновнинг хати орқалигина уэр сўрас, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги «Орифен» ва «Самарқанд консерва» заводидида кўрсаткичлар юқори бўлгани ҳолда, аксинча бу ташкилотлар фаолияти хусусида тескари маълумотлар бериш («Хар ким камчиликни ўздан ахтариш керак» «XXI asr», 2012 йил 31 май), фарғоналик таниқли олима, техника фанлари доктори Анорахон Қосимоҳунова («Адолат» газетаси, 2012 йил 3 август. Муаллиф М.Обидов)нинг айтмаган гапларини айтишга чиқариш, наманганлик тадбиркор С.Дадажонов («Кўшиб ёзиш санъати» «XXI asr», 2012 йил 17 май) сингари ўнлаб фуқаролар номидан сохта фикр-мулоҳазалар билдиришни касбга айлантиришдан муддао нима?

Тўғри, бугун сайловчи ишончи ҳар қандай сиёсий партия учун ниҳоятда муҳим омил саналмоқда. Ишонч қозониш мақсадида ҳар қанча меҳнат қилсак арзийди. Аммо бундай фаолият амалдаги қонулар ижросини назорат қилиш, турли давлат идоралари мутасаддиларининг у ёки бу масала юзасидан ҳисоботларини эшитишга қаратилаётган бир пайтда ХДПнинг юқоридагидек ажабтовур фаолияти сиёсий майдондаги бошқа партияларнинг ҳам обрўсизланишига олиб келади, холос. Бунини навоийлик Турсун ака Самадовдек катта ҳаёт мактабини ўтаган инсонлар фикр-мулоҳазасидан ҳам сезиш мумкин. Лекин бунини сўз қадри ва қудратини ҳис қила олмаётган «Ўзбекистон овози» жамоаси сезмаётган кўринади. Бизнингча, кеч бўлса-да, ХДП наши ўз хатоларини тан олиб, асосиз танқидга учраган юртдошларимиздан газета орқали уэр сўраса, мақсадга мувофиқ бўларди. Акс ҳолда тахририят хаткутинини расмий раддиялар, судларга йўлланган мурожаатлар тўлдирга бошлайди. Чунки бундай ҳолатга кимдир, қачондир чек қўйиши керак.

Тадбиркорлик — прокуратура ҳимоясида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Тадбиркорлик субъектларининг ишламаётгани ёки фаолиятини вақтинча тўхтатганлик сабабларини таҳлил қилиш йўли билан бюрократик тўсиқлар ва сансалорлик ҳолатларини олдини олишга йўналтирилган назорат тадбирлари бу борада сезиларли самара бераётди.

Учрашуларда илтироз этган тадбиркор ва фермерларнинг 33 нафарига 93.3 млн сўм кредит, 32 нафарига 91.9 гектар ер майдонлари ажратилишига кўмак берилди. 493 нафарининг эса рухсатнома бериш ёки бошқа ҳужжатларини расмийлаштириш масаласи ижобий ҳал этилди. 4000 дан зиёд тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳат берилиб, 161 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди.

Тадбиркорлик субъектларининг мурожаатини ҳал этишда прокуратура органларининг «007» «ишонч телефон»лари ҳам жуда катта аҳамият касб этаётди. Жорий йилнинг ўтган давридагина вилоят прокуратура органлари «007» рақами орқали келиб тушган 65 та мурожаатнинг 57 таси қаноатлантирилган. Аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан етказилган 4.8 млн. сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундирилган. Тадбиркорлар манфаатини кўзлаб, ҳужжалик ва фуқаролик судларига даъво аризалари киритилган.

Масалан, «Избоскан ном ишлаб чиқариш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари М.Соломонов жамиятда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг режа-жадвалига асосан ўтказилган текшириш якунига кўра, туман ДСИдан ташқари «Саноаткон-геотехназорат» Андижон минтақавий инспекцияси, вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ҳам маъмурий жарималар қўлланганини билдирган. Мурожаат ўрганилганида, ҳақиқатан ҳам, назорат қилувчи органлар томонидан қонун талабларига эид равишда маъмурий жарималар қўлланганини аниқланиб, туман прокурорининг протести асосида 3 та қарор бекор қилинган ва тадбиркор ҳуқуқи тикланган.

Ўтказилган текшириш ва таҳлиллар айрим корхона-ташкilotлар мансабдорларининг тадбиркорлар фаолиятига тўсиқлик қилиш ҳолатларини мавжудлигини ҳам кўрсатмоқда.

Жумладан, ОАТБ «Агробанк» Хўжаобод филиали бошқарувчиси М.Умаров ва Абдулла Қаҳҳор» номли теҳагрозим ММТП МЧЖ раиси А.Холматов, «Кўприкбоши фай-

зли боғи» фермер ҳўжалигига чорвачиликни ривожлантириш учун берилиши лозим бўлган 30 млн. сўм кредит пулларини мазкур банкнинг бошқа миждози орқали нақд пулга айлантириб, талон-тороқ қилингани аниқланган.

Туман прокурори қарори асосида М.Умаров ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан жиноят иши кўзгатирилган. Жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судининг ҳукми билан М.Умаров ва бошқаларга нисбатан айблов ҳукми чиқарилиб, жиноят жавобгарликка тортилган.

Худди шундай, Бўз туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи У.Пармонов «Сарой зийнати» фермер ҳўжалиги иш юритувчиси Д.Солиеванинг дала шийони кўриш учун ер майдонини ажратиб бериш, «Мавлонбек фермер ҳўжалиги раҳбари С.Тургунов, «Файзулло» фермер ҳўжалиги раҳбари Р.Сайдалиевнинг ер майдонларини бир қисминини захирга олиш, «Уринбой ниҳоллари» фермер ҳўжалиги раҳбари А.Аҳмаджоновнинг ажратиб берилган ер майдонини ўлчаб бериш, фуқаро Ф.Мирзаевнинг ер майдони ажратиб бериш, «Комилжон хожи» фермер ҳўжалиги раҳбари Х.Омоновнинг пахта ва галла ҳосили режасини камайтириб бериш ҳақидаги, фуқаро В.Собировнинг боддорчилик учун берилган ер майдони чеккасига омбор қуриш учун рухсат бериш ҳақидаги аризаларини асосиз равишда ҳал этмай келгани аниқланган.

Бўз туман прокурорининг қарори билан У.Пармоновга нисбатан ЖКнинг 144-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатирилиб, дастлабки тергов ўтказилди. Жиноят иши мазмунан кўриб ва ҳал этиш учун судга юборилди.

Бир сўз билан айтганда, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган 22 та текшириш натижаларига кўра гайриқонуний қарорларга нисбатан 32 та протест келтирилиб, қонунбузарликларни бартараф этиш воқалотига эга бўлган мансабдор шахслар номига 30 та тақдимнома киритилди, 21 нафар шахс эса қонун бузилишига йўл қўймайлик хусусида расман огоҳлантирилди.

Соҳага оид фаолиятининг изчил олиб борилаётгани тадбиркорлик субъектларининг баҳавотир бизнес юритишини таъминлаётди.

Бощ прокуратура матбуот хизмати.

Фотофакт

ЮЗАКИ СЕВГИ БОЗОРИ

Аслида бу суратларга, улардаги «формула»ларга изоҳ беришнинг ҳолати йўқ. Лекин бир савол ҳар биримизни қийнаши тайин. Ахир шу ишни одатга айлантираётган ёшлар сиз билан бизнинг фарзандларимиз эмасми? Бу ерда гап нафақат тарбия ҳақида, балки болаларимиз қалбига она табиатга меҳр уйғотиш, Ватанга садоқат тўйгуларини шакллантиришнинг дастлабки босқичи эканлиги ҳақида кетапти. Ёшларни миллат кўрки, юрт фахри, дая алқаймиш. Шундай экан, уларни турли иллатлардан холи этиб тарбиялаш ҳам катталар зиммасидаги масъулиятли вазифа эканини унутмайлик.



HUAWEI 12,4 МЛН. ДОЛЛАРЛИК УСКУНА ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва Хитойнинг Huawei Technologies Co. Ltd компанияси ўртасида қўймати 12,4 млн. долларлик шартнома имзоланди. Унга кўра, Хитой компанияси мамлакатимизда яратилаётган «Электрон таълим» оптик толали тармоқ учун телекоммуникация ускуналарини етказиб беради. Шу ўринда мазкур тармоқ 2011 йил сентябрда ишга туширилди, олий таълимни ташкил этишда қатнашадиган 83 та муассасани бирлаштиришини айтиб ўтиш жоиз. Айни пайтда ўрта-махсус касб таълими муассасалари тармоғига уланishi амалга оширилди. Барча олий ўқув юрталарида фойдаланиш мумкин бўлган таълим материалларига эга тармоққа виртуал кутубхона, О'Унинг электрон таълим ресурслари жойлаштирилади. Унинг ёрдамида ўқув жараёнига масофавий таълим элементлари жорий этилади ва видеоконференциялар ўтказилади.





**«МУБОРАКНЕФТГАЗ»
унитар шўъба корхонаси жамоаси**

*азиз ватандошларимизни
Рамазон ҳайити
билан самимий қутлайди.*


*Истиқлолимиз шарофати
ила гуллаб-яшнаётган
мамлакатимиз ривожини йўлида
амалга ошираётган
ишларингизда омад ёр бўлсин!*

**ТАҚДИРИМИЗ ВА БАХТИМИЗ БЎЛГАН
ОЗОД ВА ОБОД ВАТАНИМИЗГА
ҲЕЧ ҚАЧОН КЎЗ ТЕГМАСИН!**



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

юртдошларимизни
истиқлолимизнинг
21 йиллиги ҳамда
муборак Рамазон
хайити билан
муборакбод этади.
Муаззам юртимиз
равнақига
муносиб улуш
кўшаётган фидойи
ватандошларимизга
соғлик-саломатлик,
оилаларига файзу
барака тилаймиз!



БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

Бу қизиқ



СКРЕПКА БИЛАН ҚАРЗ УЗИЛДИ

Офис ва идораларда ҳар кун ишлатиладиган канцелярия скрепкиси нисбатан яқинда, яъни 1899 йилда ихтиро қилинганни кўпчилик билмас керак. Маълумотларга кўра, қўғозларни ушлаб турадиган мазкур восита норвегиялик машҳур ихтирочи ва математик Юхан Волер томонидан ўйлаб топилган. Қизиғи, олим замондошлари таъкидлаганидек, Волер скрепкани ҳали у даражада танилмасидан бурун, катта қарзларга ботиб қолган пайтда ихтиро қилган экан. Бир кун қарзини талаб қилиб келган навбатдаги танишини кузатиб қўйган Юханнинг кўзи беҳос полдаги бир парча симга тушган. «Топилма»ни қўлига олиб, ундан бир неча турдаги тутқичларни ясаган математик шу кунгича патент идорасига бориб, ихтиросини рўйхатдан ўтказди. Эътиборлиси, патентдан олинган фойда ҳисобига олим барча қарзларидан қўтилади. Шу ўринда скрепка ихтиро қилинганидан аввал идора ходимлари махсус тешикчалар орқали боғланиладиган ленталар ва тўғноғичлардан фойдаланганларини айтиб ўтиш жоиз.

ОЛМОС ҚОШИҚДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Шишанинг иссиқ ўтказувчанлиги шу даражада пастки, ўртаси қиздирилган шиша таъқиннинг икки тарафидан бемалол ушлаб туришига ва бу ҳолатда ҳатто иликликни ҳам ҳис қилмаслигини мумкин. Қизиғи, иссиқ ўтказувчанлик бўйича энг юқори кўрсаткич, кўпчилик ўйлаганидек, қандайдир металлга (мис ёки қумуш) эмас, кўриниши шишани эслатувчи олмосга тегишли экан. Бинобарин, олмоснинг иссиқ ўтказувчанлиги қумуш ёки мисдан тахминан 6 баробар юқори экани тилга олинмоқда. Шу сабабли кимдир сизга олмосдан тайёрланган қошиқ соғва қилса, эҳтиёт бўлинг. Зеро, бундай қошиқни иссиқ чойга солишингиз билан шу заҳоти қўлингизни куйдириб olasiz.

Суратларга кўчган фахр ва қувонч

Тошкент Фотосуратлар уйида «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловига тасвирий санъат йўналиши бўйича тақдим этилган бадий асарлар кўргазмаси ташкил этилди

Назokat УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Шу муносабат билан мазкур кўргазма залига тасвирий санъат ихлосмандлари, санъатшунос олимлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Бадий академияси раиси А.Нуритдинов Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда санъатни ривожлантириш, бадий таълимни давр талабига мос тарзда такомиллаштириш, ёшларни миллий ва жаҳон санъатининг энг нодир намуналаридан баҳраманд этиш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови жорий йилда «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида юксак савияда, кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда.

Танловнинг тасвирий санъат йўналишига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 350 нафардан ортиқ рассом, дизайнер, фотомусаввирдан беш ярим мингга яқин ижодий иш тушди. Ушбу кўргазмада танловга тақдим этилган энг сара



бадий, фото асарлар, плакатлар томшабинлар эътиборига ҳавола этилган. Уларда бугунги тинч ва осуда, тўқин ва фаровон ҳаётимиз, жонажон Вата-

нимизнинг бетақрор табиати манзаралари, меҳнатсевар, фидойи ҳаюртларимизнинг бахтиёр қиёфаси акс эттирилган. «Энг улуг, энг азиз»

республика кўрик-танловининг якуний босқичи голиблари қутлуг айём — Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Матбуот анжумани

Энди четдан дафтар сотиб олмаймиз

2012 йилда мамлакатимизда дафтар маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тўлиқ маҳаллий корхоналар томонидан қопланиши кутилмоқда

Шухрат ХҲҲАЕВ, «XXI ASR»

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ташаббуси билан Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда маънавиятимизга зид бўлган турли кўринишдаги канцелярия маҳсулотларининг кириб келишини олдини олиш, республика истеъмол бозорини, шу жумладан, таълим муассасаларини миллий кадриятларимизни улуглайдиган, эстетик жиҳатдан ҳамда санитария ва гигиена талабларига жавоб берадиган ёзув

дафтарлари билан таъминлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берилди. — Ички бозорнинг дафтар маҳсулотларига бўлган йиллик эҳтиёжи ўртача 120-150 млн. донани ташкил этади, — дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Руздат Сафаров. — 2010 йилда ана шу эҳтиёжнинг жуда оз қисми, яъни 5 миллион дона маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан қондирилган бўлса, қолгани хориждан келтирилган эди. Ўтган йили дафтар ишлаб чиқарувчи корхоналаримиз маҳсулот ҳажмини 30

миллион донага етказдилар. 2012 йилда эса матбаа корхоналаримиз нафақат бу турдаги маҳсулотни тўлиқ ўзлаштиришни, балки қўшни республикаларга экспорт қилишни ҳам режалаштирмоқда. Тадбирда, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган дафтар хом ашёси — тегишли талабларга жавоб берадиган стерил қўғоз бугунги кунда 100 фоиз хориждан келтириляётгани, Ўз навбатида, 2012 йилнинг тўрттинчи чорагида Наманганда бу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутиляётгани таъкидланди.

Футбол бўйича муҳим учрашув пайтида кучли ўғир бошланди. Спортчилар пайдо бўлаётган қўлмакларга қараб «ух» тортишмоқда. Мураббий уларга далда берапти: — Ҳечқисси йўқ, йиғитлар! Кайфиятингиз тушмасин — кейинги таймда биз оқим бўйича ўйнаймиз.



Биз ҳам об-ҳаво инжиқликларини сизнинг улкан марралар ва ютуқларга бўлган иштиёқингизни сўндирмаслигини тилаб, қуйидаги баҳоратни ҳавола этамиз: Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 16-23 август кунлари республикаимиз ҳудудида ўзгарувчан об-ҳаво кузатилса-да, ёғингарчилик кутилмайди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси 22-25, кундузи 38-41 даража иссиқ бўлади. Шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам худди шундай об-ҳаво кузатилади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 22-25, кундузи 37-40 даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тоғли ҳудудларда кечаси 17-22, кундузи эса 25-30 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.

Реклама ўрнида

ХААҚ ФАРОВОНЛИГИ
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ
AGROBANK

Ҳаммаси кичикдан бошланади!

Кичик бизнес учун кредитлар
Кредит олиб гоъларингизни рўёбга чиқаринг!

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

ЖУДА ШИРИН, АММО ТАҚИҚЛАНГАН

Дунёда шундай ўсимлик борки, унинг меваси жуда ширин бўлса-да, одамларни яқинига йўлатмайди. Гап шундаки, дуриан деб номланган, Жануби-шарқий Осиё давлатлари, шунингдек, Африка ва Жанубий Америка ўрмонларида ўсувчи бу ўсимлик меваси ўздан ўта бадбўй хид тарқатади. Шу боисдан ҳам қитъамизнинг баъзи мамлакатларида иссиқ жойда узок вақт қолиб кетган пиёз исини эслатувчи хидга эга бўлган дурианни жамоат жойларига олиб кириш қатъан тақиқланади. Аҳамиятлиси, ана шу давлатларда устидан чиқиб тортилган дурианнинг сурати акс эттирилган, яъни мазкур мевани олиб кириш мумкин эмаслигини аңлатувчи махсус белгилар ҳам ишлаб чиқилган.

КСИМЕЛИН®

Ксилометазолин

Быстрее насморка!

Равномерно вращает все слизистую носу, обеспечивает дренаж носовых пазух и полости среднего уха

Эффект наступает сразу же после применения и длится до 8-10 часов

В отличие от сосудосуживающих препаратов действует на причину воспаления носа

Точное дозирование исключает передозировку

В отличие от сосудосуживающих препаратов не вызывает привыкания

Показания к применению: Острые респираторные заболевания с выраженным ринитом (насморк), острые аллергические ринит, полипы, синусит, евстахиит, средний отит (для уменьшения отека слизистой оболочки). Подготовка слизистой оболочки перед хирургическими вмешательствами в носовых пазухах.

Йодомарин®

Капли йода

Море всегда с тобой!

Устраняет дефицит йода
Повышает иммунитет
Улучшает память и внимание

Синтез Йодомарин® 100 мг йода в капле йода 131 мг, что соответствует 100 мкг йода. Йодомарин® 200 мг йода в капле йода 262 мг, что соответствует 200 мкг йода.

Показания: Профилактика йодной недостаточности у населения, проживающего в регионах с дефицитом йода в почве, воде и продуктах питания. Профилактика йодной недостаточности у населения, проживающего в регионах с дефицитом йода в почве, воде и продуктах питания. Профилактика йодной недостаточности у населения, проживающего в регионах с дефицитом йода в почве, воде и продуктах питания.

БЕРЛИН - СХЕМЕ MENARINI